• *ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ*

**Франция маданиятига, адабиёти ва санъатига ошуфта бўлмаган киши, хусусан, зиёли кам топилса керак. Бальзак, Гюго, Мопассан, Стендаль, Золя каби истеъдод соҳибларининг асарлари кимларни ром этмаган? Ҳис-ҳаяжон, завқ-шавққа тўла француз фильмлари-чи? Ҳар қандай томошабинни бефарқ қолдирмайди.**



# БОБОЛАРИМИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ДЎСТЛИК

Мен ҳам бир қаламкаш сифатида француз адибларининг асарларини севиб ўқиганман, фильмларини мириқиб кўрганман. Шунда, шубҳасиз, дунё маданиятининг ўчоқларидан бири бўлмиш бу гўзал ўлкага бориш иштиёқи бошқалар сингари менда ҳам пайдо бўлган. Не бахтки, яқинда бир гуруҳ ватандошларимиз қатори менга ҳам шу юртни кўриш насиб этди. Бунга биздан олти аср илгари ўтган буюк бобомиз Мирзо Улуғбек сабабкор бўлди. Бошқача, айтганда, шу бобокалонимизнинг 600 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКО қароргоҳида Улуғбек ҳафталиги бўлиб ўтди.

Улуғбек ҳақида гап кетар экан, унинг бобоси, халқимиз тарихининг энг ёрқин, шонли даврларини яратган буюк Амир Темур ёдга тушади. Турон заминида бетакрор давлат барпо этган бу улуғ зот кўпгина мамлакатлар, жумладан, Фарангистон билан яқин ҳамкорлик қилиш ниятида бўлгани, бу борада анча-мунча ишларни амалга оширгани тарихдан маълум. Амир Темурнинг Фарангистон қироли Карл VI га ва унинг Амир Темурга ёзган мактублари мавжуд.

Бу факту фикрларни хаёлимдан ўтказар эканман, қарийб олти юз эллик йил олдин бошланган яхши нияту ҳаракат бизнинг кунларда амалга ошганидан, буюк бобомиз орзулари рўёбга чиққан кунларни кўриш насиб этганидан шу ватаннинг оддий бир фуқароси сифатида қалбим ғурур ва ифтихорга тўлади. Амир Темур ва қирол Карл VI орзу қилган ишни Президентлар Ислом Каримов ва Франсуа Миттеран амалга оширдилар. Ўзбекистонда Франциянинг, Францияда Ўзбекистоннинг элчихонаси очилгани, иккала Президентнинг бир-бирларининг мамлакатларига ташриф буюргани олти аср илгари ўтган бобокалонларимиз нияти ва ҳаракатининг амалий ифодаси эмасми! Ўзбек ва француз иқтисодчилари, ишбилармонлари, банк ва маданият ходимлари ҳамкорликда ишлаётганлари-чи...

Булар мустақилликнинг дастлабки мевалари эканини таъкидламоқ ўринлидир. Акс ҳолда Франциядек давлат билан тенгма-тенг ҳамкорликка йўл бўлсин эди. Ёхуд ЮНЕСКОдай нуфузли халқаро ташкилотда Мирзо Улуғбек кунлари ўтиши кимнинг хаёлига келган эди...

Ушбу тантаналарда иштирок этиш учун борган Ўзбекистон делегациясининг раҳбари, республика Бош вазирининг ўринбосари Мурод Шарифхўжаев ҳафталик кунлари Франция Республикасининг бир неча раҳбарлари билан учрашди. Иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик хусусида фикр алмашилди, бу ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан амалий таклифлар ўртага ташланди. Франция Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Жан Леви Ўзбекистонда икки марта бўлганини ҳаяжон билан гапириб берди. Президент Миттеран Ўзбекистондан олган таассуротини ҳамон эсдан чиқаргани йўқ, доимо завқ-шавқ билан эслаб туради, деди у. Бинобарин, Президент Каримов кўрсатган иззат-икромни эсдан чиқариш мумкин эмас. У кишига бизнинг миннатдорлигимизни етказишингизни илтимос қиламан. М. Шарифхўжаев республика Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бугун дунёнинг кўпгина мамлакатларида маълум бўлган машҳур беш тамойил ҳамда уларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар хусусида мухтасар гапириб берди. Орол муаммосини ҳал этиш юзасидан Ўзбекистонда, бутун Марказий Осиёда кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида сўзлаб, бу маълум бир минтақанинг фожеаси бўлмай, унинг кўлами кенгайиб кетиши мумкинлигини, бу борада Франциянинг ҳам ҳамкорлиги лозимлигини таъкидлади. Ж. Леви Орол фожеаси ҳақида Президент Миттеран Тошкетда Президент Каримов билан суҳбатлашганида гапирганини, унинг олдини олишга зудлик билан киришиш зарурлигини қайд этди. Сизнинг фикрларингизни ҳам албатта Президентга етказаман, деди.

Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтиш жоиздир. Ўтган йили Францияда профессорлар Рёне Летол ва Меник Менгэнинг "Орол" деган китоби нашр этилган, унда бу муаммони бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида муайян фикрлар билдирилган. Демак, орол фожеасидан Франциянинг расмий доиралари ҳам, олимлари ҳам хабардор...

Ўзбекистон кўплаб ривожланган мамлакатлар қатори Франция билан ҳам турли соҳаларда ҳамкорлик қилаётгани маълум. Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилишида, Фарғона водийсидаги жунни қайта ишлаш фабрикаси фаолиятида француз ҳамкасбларнинг ҳамкорлиги яхши натижа бераётир. Шунингдек, бир нечта муҳим объектларни ҳамкорликда қуриш тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда.

"Франция-Ўзбекистон" дўстлиги группасининг президенти Шар Гербрант билан республика парламентида, "Франция— Марказий Осиё" дўстлиги группасининг президенти Жак Голлье билан сенатда, Франция ишбилармонлари миллий уюшмасининг вице-президенти Ф. Жескар Де Эстен, Иқтисодиёт ва молия вазирининг маслаҳатчиси Асселино ва бошқалар билан бўлган учрашувларда бундай ҳамкорликлар яхши самара бериши, бинобарин, бунга Президентлар Ислом Каримов ва Франсуа Миттераннинг Париж ва Тошкентда ўтган суҳбатлари асос бўлгани алоҳида қайд этилди. Франция расмий доираларининг вакиллари республикамизда кечаётган воқеаларни диққат билан кузатиб бораётганлари аён бўлди. Масалан, иқтисодиёт ва молия вазирининг маслаҳатчиси Асселино бундай деди:

— Биз Ўзбекистондаги ўзгаришларни кузатиб борамиз. Қайд этишим керакки, ниҳоятда катта ва ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистон раҳбарияти инфляцияга қарши қаттиқ ва амалий чора кўраётгани, бу эса яхши самара бераётганини биламиз. Миллий валютангизнинг қимматини ошириш бўйича олиб борилаётган тадбирлар ҳам диққатга молик. Шу маънода Ўзбекистон биз учун ўша минтақадаги энг ишончли партнёрдир. Вазирлигимизда, — деб сўзида давом этди жаноб Асселино, — Ўзбекистон ҳақида семинар ташкил этдик. Унда республикангизда олиб борилаётган сиёсат, рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар хусусида гапириб бердик... Хуллас, сизлар билан ҳамкорлик қилишга бизда иштиёқ катта. Ижозат берсангиз сўзимни Хитой халқининг бир мақоли билан якунласам. "Ҳар қандай катта саёҳат биринчи қадамдан бошланади", дейилади ўша мақолда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик учун наинки биринчи қадам, балки бир неча қадамлар аллақачон қўйилган. Ўйлайманки, бу қадамлар қутлуғ бўлади.

М. Шарифхўжаев самимий тилаклари учун жаноб Асселинога миннатдорлик билдириб, сўзини шундай якунлади:

— Ҳамонки, Хитой мақолини эслатдингиз, менинг ёдимга ҳам бир Хитой мақоли келди. "Агар одамг бир балиқ берсанг — у бир кун тўяди, бордию унга балиқ тутишни ўргатсанг — у бир умр тўқ бўлади". Демоқчиманки, биз бир-биримизга балиқ бериш ёки олиш ниятидан йироқмиз, аксинча, балиқ тутишни ўргатишимиз ва ўрганишимиз керак. Яъни, тенгма-тенг ҳолда бир-биримизга ҳамкор бўлмоғимиз лозим. Шунда барча ниятларимиз амалга ошади.

Бир воқеа жуда эсда қоларли бўлди. Жаноб Жак Голлье сенатда Ўзбекистон Делегацияси вакиллари билан суҳбатлашар экан, шоир Виктор Гюго бюстини ва Наполеон тахтини кўрсатди. Зеро, Виктор Гюго машҳур шоир бўлиш билан бирга сенатор ҳам бўлган, деди жаноб Голлье. У камбағалларнинг ҳимоячиси сифатида фаолият кўрсатган.

Бу гапдан сўнг М. Шарифхўжаев бундай деди: "Қаранг, қандай ажойиб ўхшашлик. Сенатор ва шоир Гюго ишлаган, Наполеон тахти турган хонада ўтирибмиз. Аслида биз ҳам Парижга олим, шоир ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек юбилейи баҳонасида келганмиз. Улуғбек ҳам оддий фуқаро ғамини ейдиган, зиёли тақдири учун курашадиган, илм олмоқ ҳар бир муслима ва муслим учун шартдир, деб таъкидлаган султондир. Буюк аждодларимиз фаолиятида ўхшашлик бор экан, бугунги авлодлар ҳам барча соҳада ўзаро тил топишиб, ҳамкорлигимиз доимий ва мустаҳкам бўлишига ишонаман".

Бу фикрларга изоҳнинг ҳожати йўқ, деб ўйламан.

Барча учрашувларда бир нарса қайта-қайта таъкидланди. Республикамиздаги барқарорлик, тинчлик ва осойишталик французларнинг эътиборини тортган. Бу энг катта ютуқ эканини улар кўп такрорладилар. Акс ҳолда барча соҳаларда ҳамкорлик қилиш, қўшма корхоналар барпо этиш мумкин эмас, деган фикр илгари сурилди.

... Мен бу суҳбатларни тинглаб, уларда баён қилинган фикрларнинг мағзини чақиб, ўзимча ўйлайман: франциядек қудратли, тараққий этган давлат, французлардай маданиятли, хушмуомала одамлар билан ҳамкорлик қилиш ҳарқалай тез орада ўз самарасини берса керак. Зотан, ўзбек ва француз халқларининг ўхшаш жиҳатлари кўп. Айни чоқда биз улардан, улар биздан ўрганса арзийдиган томонлар ҳам анчагина экан. Бинобарин, Амир Темур ва Карл VI орзу қилган дўстлик ва ҳамкорлик бугун реал воқеликка айланиб, ўзининг илк самараларини бераётир. Бу ҳамкорликнинг натижаси ҳар икки мамлакат халқлари учун фойдали бўлишига шубҳа йўқ.

**Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ, (ЎзА).**
**Париж-Тошкент.**

# ЁШ ШОҲМОТЧИГА СОВҒА

**Илгари хабар қилинганидек тошкентлик ёш шоҳмотчи, ёшлар ўртасида Осиё чемпиони Рустам Қосимжоновга Америкада ишлаб чиқарилган компьютер совға қилинди.**



Рустамга совға қилинган "Ай-Би-Эм" — 386 электрон компьютери хотирасида шу вақтгача бўлган буюк шоҳмотчиларнинг уч юз мингдан ортиқроқ шоҳмот партиялари жойлаштирилган. Бу "каталог" Анатолий Карпов раҳбарлигидаги ўқув гуруҳи жамоаси томонидан тузилган. Шоҳмотчига бу мукофотни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номидан Республика Давлат Фан ва техника қўмитасининг раиси, академик Пўлат Ҳабибуллаев топширди.

Рустам Қосимжонов истеъдодли шоҳмотчи, Негаки 1990 йили биринчи марта Ўзбекистон ёшлар чемпионати ғолиби бўлди. Икки йилдан сўнг 1-тоифа шоҳмотчилар республика мусобақасида катталар билан баравар беллашиб, учинчи ўринни эгаллади. Сўнг эса Испанияда халқаро болалар шоҳмот олимпиадасида қатнашди ва учинчи ўринни қўлга киритди.

Бу йил эса Р. Қосимжонов халқаро тоифадаги спорт устаси нормативини бажарди. Август ойида Венгрияда ўтказилган жаҳон ёшлари чемпионатидан бронза медалини олиб қайтгач, Катарда 16 ёшга тўлмаган спортчиларнинг Осиё чемпионатида чемпион бўлди. Шуни ҳам айтиш керакки, айни вақтда жаҳон чемпиони Гарри Каспаровнинг маҳорати (рейтинги) 2800 рақами билан белгиланган бўлса, Рустамнинг маҳорати эса 2390 рақами билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номидан спортчини Президентнинг давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев табриклади ҳамда унга ўқишда, спортда янги-янги муваффақиятлар тилади.

Ният қиламизки, Р. Қосимжоновга совға қилинган бу компьютер ёш шоҳмотчимизнинг етук гроссмейстер бўлиб етишишида катта ёрдам беради.

**Ф. САНАЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**СУРАТДА: Рустам ҚОСИМЖОНОВ совға олиш вақтида.**

• *Муштарий бонг уради*

**САРСОН-САРГАРДОНМИЗ**

Сирдарё ва Сайхунобод тумани ҳудуди бир-бирига туташиб кетган. Шунинг учун ҳам бу икки туман аҳолиси ўртасидаги борди-келди бир зум бўлса ҳам тинмайди. Аммо олти ой бўлаяптики, Сирдарё аҳли ва Сайхун қўрғони йўналишида қатнайдиган автобус тўхтаб қолди. Натижада одамлар битта автобусда борадиган жойга икки, уч автобусга чиқиб, айланиб боришаяпти. Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида Сайхунобод туманидаги 10-автокорхона раҳбари М. Ниёзов билан учрашдик. У кишидан тайинли жавоб ололмадик.

**А. ИМОМОВ.**

• *Сайлов олдидан*

# МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

*"Ватан тараққиёти" партияси Бухоро вилоят кенгаши ҳам сайловларга катта тайёргарлик кўраётир. Бу борада олиб борилаётган ишлар тўғрисида ВТП вилоят кенгашининг биринчи котиби Холиқ Бақоев шундай ҳикоя қилади:*

*— Мақсадимиз муштарак — она Ватан равнақи. Рақобатсиз ривожланиш ва тараққиёт бўлмаганидек, биз ҳам Ватанимиз истиқболини таъминлайдиган улкан мақсадлар, масалаларни ҳал этишга қаратилган режа йўлида ўз фикримизни Олий Мажлис минбаридан туриб билдириш ва шу борада меҳнат қилиш ниятидамиз.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сўнгги ўн олтинчи сессиясида Президентимиз еттита шиорни ўртага ташладилар. Уларнинг барчаси мазмунан партиямиз дастурида ўз аксини топганидан мамнунмиз. Бўлажак Олий Мажлисга вилоятимиздан 14 нафар депутат сайланиши лозим. Биз ҳам ҳар бир сайлов округидан партиямиз аъзоси бўлган илғор ишчилар, ишбилармон, тадбиркор, маданият ва маънавиятимизни қадрлаб, унинг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган иймон-эътиқодли зиёлилар номзодларини сайловчилар ҳукумига ҳавола этмоқчимиз. Чунки бўлажак ноибликка номзодлар тараққиёт учун долзарб бўлаётган масалалар ечимини топиш қобилиятига эга бўлмоқлари талаб этилади.*

**М ТЎХТАЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири**

**Худди одамлар каби катта биноларнинг ҳам таржимаи ҳоли бор. Табиийки, жуда кўп мақсадларга мўлжалланган, маҳобатли иморатни қуриб битказгунча ўтадиган йиллар шамоли унинг пештоқларини пардозлайди, бошидан қуйилган ёмғирлар чанг-ғуборларни ювадилар, изғиринлар эса кейинги ҳаёти учун синов бўлиб тоблайдилар. Айтишларича, Бухородаги машҳур Минораи калоннинг меъмори уста Боқий таг-заминни тахтлаб, бирданига йўқолиб қолган. Қурилиш зудлик билан битишини хоҳлаган подшо устани қанча қидиртирмасин, топиша олмаган. Дейдиларки, қурилажак улкан минора ҳақидги гап-сўзлар ҳам босилиб ҳамма нарса унутилгач, уста қандай йўқ бўлган бўлса, шундай кутилмаганда пайдо бўлган. Ишлар юришиб кетган ва минора тезда қад ростлаган. Маълум бўлишича, анча баланд кўтарилиши лозим бўлган иншоотнинг таг-замини пухта бўлиши, у қуёшдан етарлича ҳарорат олиб, тош-метиндек қотиши керак экан. Бунинг учун эса вақт талаб қилинади. Уста бу сирни билган, подшонинг сабри чидамаслигини ҳам тушунган ва ҳеч кимга айтмай кетиб қолган экан. Мана, қарийб минг йилдирки, Минораи калон меъморчиликнинг гўзал намунаси, Бухоронинг кўрки бўлиб савлат тўкиб турибди. Ёки Европадаги Пиза минораси атрофида ҳам қизиқ гаплар юради. Бир томонга хиёл қийшайган нодир муҳандислик намунаси бўлган бу бинони биров тобора қулаб кетаяпти деса, бошқаси эса бу устанинг ўзига хос услуби деб шарҳлайди.**

# НИҲОЯТ, ЧАЛА БИНОЛАРНИ БИТКАЗИШГА НАВБАТ КЕЛДИ

**Тошкентда қурилаётган Тадбиркорлар марказидан репортаж**

Буюк Турон кўчасидан муваққат ёғоч деворлар билан ўралган қурилиш майдончасига кириб борар эканман, бинолар тарихи ҳақидаги турли тафсилотлар хаёлдан кечар эди. Зеро, пойтахтимизнинг бош хиёбони — Мустақиллик майдонида бўлган киши кун чиқиш тарафда кўп йиллардан бери битмай келаётган иморатни кўрган бўлиши керак. Алишер Навоий ва Шароф Рашидов кўчалари кесишган жойда ўн йилдан кўп вақтдирки, муаззам бир бино кўк тоқи сари бўй чўзиб юксалмоқда. Ҳамма унинг тезроқ битишини, ташриф буюрувчиларга эшиклари эртароқ ланг очилишини истаётгандек.

Бугунги Тошкент қиёфаси кўплаб замонавий бинолар билан чирой очиб кетди. "Халқлар дўстлиги", "Туркистон" саройлари, "Ўзбекистон" миллий боғида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган меҳмонларни чинакамига ҳайратга солмоқда. Меъморчиликнинг энг илғор ютуқлари миллий тамойиллар асосида уйғунлашиб кетган, ташқи кўриниш ва нафис ички безаклар ҳамоҳангликда чинакам санъат даражасига кўтарилган. Таъбир жоиз бўлса, кейинги ўттиз йилда дунёнинг биронта шаҳрида Тошкентдагидек кўп ва хўп иморатлар қурилмагандир. Бу ўлкамиздаги фаровонлик, бугунги барқарорлик, халқимиз хоҳиши, раҳбарларнинг тадбиркорлиги оқибатидир. Тошкентнинг маълум ва машҳур бинолари қаторида мен таъриф этишга киришган иморат ҳам бўлиши лозим эди. Қолаверса, тез суръатлар билан бошланган қурилиш бир муддат тўхтаб қолди. Бу эса табиийки, турли миш-мишларга ҳам сабаб бўлди.

Қудратли машиналар изидан кўтарилган енгил ғубор қурувчиларга мўлжалланган кўчма уйчалар орасига сингиб кўздан йўқолади. Пайвандлаш ускунасининг вишиллаган овози эшитилади. Баланд иморатларни йиғишга мўлжалланган краннинг тумшуғи у ёқ-бу ёққа бориб келади. Машиналар ҳаракатини бошқараётган, одамларга иш буюраётган кишиларнинг овози эшитилади. Қурилиш прораби Найил Даминовни топиш қийин бўлмади. У кўчма уйчаларнинг бирида йиғувчи Абдулла Назаров билан иш юзасидан суҳбатлашиб ўтирарди. Маълум бўлишича, бундан бир йил олдин "Тошкентқурилиш" давлат ҳиссадорлик идорасининг 75-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари мазкур объектда чала қолган ишларни давом эттиришга киришибдилар. Ўн уч қаватли бу иморат аслида республика миқёсидаги ҳисоблаш марказига мўлжаллаб лойиҳаланган экан. Республика лойиҳалаштириш илмий текшириш институти шаҳарларни лойиҳалаштириш тармоғи муҳандислари амалга оширган режа бўйича марказда қурилиши керак бўлган бу иморат Мустақиллик майдонидаги ансамблни тўлдириши, Ҳукумат уйи, Тарих музейи, "Туркистон" саройи "Дўстлик" меҳмонхонаси мажмуида юзага келган умумий яхлитни бойитиши керак эди. Табиийки, унда замонавий қурувчиликнинг энг сўнгги ютуқлари асосида ёндашилиб, ташқи кўриниши ва ички безакларининг ўзига хослиги ва такрорланмаслиги таъминланиши лозим эди. Қурилишлар таржимаи ҳолида баъзан ҳаётдаги бурилишлар, зарбдор режалар ҳам ўз аксини қолдиради. Собиқ Иттифоқ раҳбарияти 2000 йилгача ҳар бир оиланинг уй билан таъминланиши ҳақидаги дастурни эълон қилдию, қурилишдаги ишлар авжи сусайиб, охирида тўхтаб қолди. Одамлар эса буни ҳар хил тушунишди. Биров "танланган ер нобоп экан, ер чўка бошлапти" деса, бошқаси "қурувчилар лойиҳадан чиқиб кетишибди. Лифт ўрнатишни унутишибди" деб изоҳлади. Ҳар ҳолда кишиларда бу қурилишга қизиқиш катта эди. Негаки, у пойтахтнинг энг диққатга сазовор жойида чала ҳолда қолиб келарди.

Шундай қилиб, 1983 йилда бошланган қурилишда осойишталик даври ҳукм сурди. Бу орада ҳаёт ўзгарди, мамлакатимиз ўз мустақиллигига эга бўлди. Ниҳоят, "соқоли оқарган" чала биноларни охирига етказишга ҳам навбат келди.



— Қурилиш ашёлари тақчил бўлиб турган пайтда ҳам ҳукуматимиз барча имкониятларни ишга солиб, бу улкан иморатни битказиш учун ҳамма чораларни кўрди,— дейди қурилиш участкасининг бошлиғи Эсон Жабборов.— Ҳар ҳолда республикамиз бунёдкорлик саноати анча кучли салоҳиятга эга. Керакли ашёларнинг ҳаммаси ўзимизда тайёрланаяпти. Олайлик, карказ учун керак бўлган плиталар Сирғалидаги 1- ва 8 темир-бетон буюмлари заводларида тайёрланди. Пишиқ ғишт, цемент ва бошқа ашёлар ҳам, худога шукр, етарли. Энг чиройли ва ранг-баранг товланувчи мармар плиталар истаганча топилади. Хуллас, бино қурилишини тез ва сифатли тамомлаш учун барча имкониятар етарли.

15 метр баланд кўтарилган карказнинг юқори қаватлари плиталар билан ёпилиб, бу борадаги ишлар тугалланди, яъни иморатнинг сурати тайёр бўлди. Эндиликда Тадбиркорлар уйи бўлиши лозим бўлган бино лойиҳасига ҳам қатор ўзгаришлар киритилди. Олайлик, дастлаб ичкарида олтита лифт бўлиши мўлжалланган бўлса, энди улар тўрттага туширилди. Бино тадбиркорлик фаолиятини тўла амалга ошириш имкониятларини ўзида жамлайди. Унинг бешинчи қаватигача турли маъмурий бинолар жойлашади. Ўрнатилажак энг сўнгги ютуқдаги жиҳозлар билан тадбиркорлар исталган ҳамкасблари билан фикр алмашишлари, ҳужжатлар узатишлари ва қабул қилишлари ёки тадбиркорлар дунёсига доир энг сўнгги маълумотларни олишлари мумкин бўлади. Музокаралар, мажлислар ўтказиладиган катта хоналар ҳам энг замонавий радио, телефон ва монитор аппаратлари билан жиҳозланади. Олтинчи қаватдан бошлаб республикамизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг офислари бўлади. Уларнинг ҳам меъморчилик, ҳам коммуникация жиҳатидан сўнгги талаблар даражасида бўлиши мўлжалланаяпти.

Кўриниб турибдики, жуда катта ишга қўл урилган. Ҳозирча, ҳамма юмушларни ўзимизнинг қурувчилар амалга оширишаяпти. Зарурат туғилганда чет эл фирмалари сармояларини жалб қилиш ҳам кўзда тутилган. Чунончи, Шароф Рашидов кўчаси тарафида бино ташқарисидан иккита ойнаванд лифт ўрнатилади. у ташқаридан ҳам кўриниб туради, шунингдек, ичкаридан шаҳарни бемалол кузатиш мумкин бўлади. Бундай лифт ҳозирча яқин қўшни мамлакатларнинг биронтасида ҳам йўқ. Уни исроиллик мутахассислар билан ҳамкорликда ўрнатиш режалаштирилган.

Қурилишда ишлар жадал давом этаяпти. Йирик ўлчамли қопламаларни йиғиш ишлари ниҳоясига етди. Айни пайтда бинонинг кириш қисми ва биринчи қаватдаги қўшимча хоналарни бунёд этишга киришилди. Юзга яқин қурувчи беш бригадага бўлиниб ишламоқда.

Бунёдкорлар сафида ўз ишининг моҳирлари кўп. Йиғувчи Абдулла Назаров ўн беш йилдирки қурувчилик коржомасини ечгани йўқ. У фахрланиб, "Тошкентимнинг тенг ярим қурилишида қўлим теккан" дейди. "Чорсу" меҳмонхонаси, "Халқлар дўстлиги", "Туркистон" саройлари, кўплаб уй-жойларда Абдулла бармоқларининг изи қолган. Унинг ўз касбидан мамнунлиги кўриниб турибди, ҳатто оладиган маошидан ҳам кўнгли тўлади. Ундан ярим ҳазил, ярим жиддий сўраймиз:—

— Мукофотлар ҳам бордир?

— Халқимизнинг "Қўлинг дард кўрмасин" деган олқиши мен учун энг олий мукофот,— дейди Абдулла самимий бир оҳангда. Унинг бу ифтихоридан "дунёда қурувчиликдан кўра олийжаноб касб йўқ-да аслида", деган андиша кўнгилдан ўтади.

Қип-қизил силлиқ ғиштларни маҳорат билан териб, гўзаллик яратаётган кишиларга яқинлашамиз. Бригадир Эргаш Камоллиддинов мутойиба билан қарши олади:—

— Мухбир бўлсангиз, аппаратингиз қани?

Эҳтимол элнинг корига яраб келаётган бу одамлар "зангори экран" орқали халққа бир табассум қилишни хоҳлашаётгандир. Мен ҳам ҳазилга-ҳазил билан жавоб қайтараман:

— Мана, менинг қуролим,— дейман ён дафтар ва қаламни кўрсатиб. Шунда қурувчилардан бирининг оғзидан "бугуннинг гапи" шартта чиқиб кетади:

— Албатта, "обуна бўлинглар" деб келган бўлса керак.

Бу гапда ҳам заррача қитмирлик сезмайман, аксинча, ишчи жаноби олийларининг ростгўйлигига йўйиб, дилкаш мулоқотга киришаман. Маълум бўлишича, бригадада 17 нафар киши ишлайди. Яқинда бу кичик жамоа "Туркистон" саройида бунёдкорлик ишларини олиб борган экан. Уларнинг меҳнатлари яхши баҳоланибди. Энди эса марказ қурилишида ҳам иштиёқ билан меҳнат қилишаяпти. Кўча тарафдаги ғиштин панжаралар улар меҳнати ва ижодининг маҳсули. Тўсинларда ҳам қурилиш, ҳам санъат уйғунлашиб кетган. Бу эса беихтиёр йўловчилар диққатини ўзига тортади.

Пайвандчилар қалпоғини кийиб олган аёл бутун вужуди билан ўз ишига шўнғиб кетган. Уни қисқа суҳбатга ҳам тортиш имкони бўлмади. Ҳамроҳларининг эътироф этишича, Людмила Китипова ўн олти йилдан буён пайвандчилик қилиб келаркан. Агар бу ишнинг анча инжиқлиги, меҳнатталаблиги ва масъулиятини ҳисобга олсак, Людмиланинг шижоатини тан олиш керак. Қолаверса, пайвандчилар орасида аёллар жуда кам.

Қурилишда ҳозирча биринчи навбат давом этаяпти. У ниҳоясига етгач, яна бир муҳташам ва замонавий бино шаҳримиз кўркига кўрк қўшади. Бинолар ҳам ўз даврининг солномачиларидир. Эҳтимол, унда мустақил Ўзбекистон шукуҳи мужассам бўлса, ажаб эмас. Иккинчи навбатда эса усти ёпиқ боғ, ер ости гаражи каби қўшимча иморатлар бунёд этилади. Ҳозирча улар қоғозларда муҳрланган. Лойиҳаларни кўриб, бу объектлар ҳам ўзига хос бўлишига ишондик. Тадбиркорлар маркази қурилишининг учинчи навбати Алишер Навоий кўчаси бўйлаб давом этади ва янгидан режалаштирилаётган савдо мажмуи, қолаверса, шаҳар меъморчилиги ансамблини тўлдиради.

...Қурилишда иш икки сменада ташкил этилибди. Бунёдкорлар ўз юмушларини тезроқ поёнига етказишга астойдил киришдилар.

**Ҳаким САТТОРИЙ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**Ш. ИБРОҲИМОВ**
**олган сурат.**

